

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАД. Ё.Х. ТУРАКУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЙ
ЭНДОКРИНОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

МУРАТОВА ШАХЛО ТАХИРЖАНОВНА

**ТИРЕОТОКСИКОЗ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН
БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА КЛИНИК-МЕТАБОЛИК ВА
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ: ТАШҲИС ВА ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.03 - Эндокринология, 14.00.09 - Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

**Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Олий аттестация комиссиясида №
№В2020.2.DSC/TIB406. сон билан рўйхатга олинган.**

Диссертация акад. Ё.Х. Туракулов номидаги Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббий эндокринология марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий кенгаш сайтида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) нашр этилган.

Илмий маслаҳатчи:

Алимов Анвар Валиевич

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тиббиёт фанлари доктори

Тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси 56-уй. Телефон: (+99871) 262-27-02; факс: (+99871) 262-25-53; e-mail: info@endomarkaz.uz).

Диссертация билан Академик Ё.Х.Туракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек кўчаси 56-уй. Телефон: (+99871) 262-27-02; факс: (+99871) 262-25-53).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ф.Ф.Тураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

У.А.Мирсаидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

З.Ю. Халимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (доктор номзоди (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.

Болалардаги қалқонсимон без касалликлари эндокринологиянинг энг муҳим муаммоси ҳисобланади¹. 1998 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикасида болалар ва ўсмирларнинг умумий эндокрин касалликлари таркибида қалқонсимон без (ҚБ) касалликлари катта фарқ билан биринчи ўринни эгаллаб турибди². UNICEF маълумотларига кўра, Ўзбекистонда сақланиб қолаётган компенсацияланмаган йод танқислиги шароитида³ [UNICEF. 2019] ҚБ нинг аутоиммун касалликлари, шу жумладан Грейвс касаллиги (ГК)⁴ ва сўнгги 20 йил ичида болалар ва ўсмирлар ўртасида тиреотоксикознинг кўпайиши кузатилди, аммо бунинг сабаблари аниқ эмас^{5,6}. Болалардаги ГК тажовузкорроқ бўлиб, катталар клиникасига хос бўлмаганлиги сабабли кеч ташхисланади ва кўпинча тананинг кўплаб тизимлари патологияси - юрак-қон томир касалликлари, ошқозон-ичак, репродуктив, ногиронликгача бўлган танадаги руҳий касалликлар, хатти-харакатларнинг ўзгариши, ижтимоийлашув, ривожланишдаги нуқсонлар ва касбларни ўрганиш ва ўзлаштиришдаги қийинчиликлар каби ҳолатлар билан асоратланади⁷. Юқоридагилардан келиб чиқиб, болалар ва ўсмирларда тиреотоксикозни ўз вақтида аниқлаш, даволашда янада яхши натижаларга эришиш, асоратларни камайтириш мақсадида, миллатнинг интеллектуал ва меҳнат салоҳиятини сақлаб қолиш мақсадида диагностика усулларини модернизация қилиш, даволаш тактикасини танлашда прогноз қилувчи омилларни аниқлаш, даволаш стратегиясини такомиллаштириш зарур.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида «...тиббий хизматлар сифати ва манзиллилигини, ...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш; ...ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш; ...касалликларни эрта босқичда аниқлаб, даволаш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш; ...болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамни ривожлантириш» устувор йўналишлари деб ҳисобланади⁸. Шу мақсадда тизимли ва услубий

¹ Al-Qahtani M.H., ElYahia S.A., AlQahtani A.S., et.al. Thyroid Disorders Spectrum in Pediatric Endocrine Clinic; Seven-Year Experience of a Teaching Hospital in Saudi Arabia// Children. -2023. – Vol.10(2):390.

² Исмаилов С.И., Рашитов М.М. Результаты эпидемиологических исследований распространенности йододефицитных заболеваний в Республике Узбекистан // Mezhdunarodnyi Endokrinologicheskii Zhurnal. - 2017. – Vol.13. – P.197-201.

³ UNICEF. Исследование по питанию в Узбекистане. Основные положения. – Ташкент., 2019. – 36с.

⁴ Troshina EA. [Elimination of iodine deficiency is a concern for the health of the nation. An excursion into the history, scientific aspects and the current state of the legal regulation of the problem in Russia]// Probl Endocrinol (Mosk). – 2022. – Vol. 27;68(4). – P.4-12.

⁵Cheetham T. How to use thionamide anti-thyroid drug in the young- what's new? // Thyroid Res. – 2021. – Vol.14(1):18.

⁶ Огрызко Е.В., Шелепова Е.А., Кузнецова В.П. Динамика заболеваемости щитовидной железы среди детей в возрасте 0 - 17 лет в Российской Федерации // Современные проблемы здравоохранения и медицинской статистики. – 2020. – №3. – С.341-356.

⁷ Léger J, Oliver I, Rodrigue D, Lambert AS, Coutant R. Graves' disease in children// Ann Endocrinol (Paris). - 2018. – Vol.79(6) – P.647-655.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июн «Маъмурий ислохотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-гадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-197-сон қарори.

жиҳатдан «...соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, шу жумладан... соҳани ривожлантиришнинг келгуси истиқболларини белгилаш орқали ...сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш...»⁹, шунингдек «аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятини кенгайтириш»и содир бўлмоқда¹⁰. «Сўнгги беш йил давомида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат ... болалиқни тизимли равишда муҳофаза қилиш имконини яратди... Шу билан бирга, тиббий ёрдамни ... юқори даражада ташкил этиш, ... болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг самарадорлигини ошириш... талаб этилмоқда... Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш... учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан «Тиббиётдаги ислоҳотлар – инсон қадри учун» мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида...» «...2022 - 2026 йилларда ...барча тиббиёт муассасаларида аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда диагностика ва даволашнинг юқори технология ва инновацион усулларини...» жорий этиш энг муҳим масалаларидан биридир деб тайинланди¹¹.

Мазкур диссертация иши ва шу жумладан «...эндокринология хизматини республика бўйича шакллантириш, йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликлар профилактикаси... билан боғлиқ, тиббий-ижтимоий тадбирлар самарадорлигини қайта кўриб чиқиш талаб»¹² этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 1-январдаги ПҚ-102 сонли «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қароридаги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда куйилган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Тадқиқот мавзусининг Республикадаги устувор тадқиқот йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация ишининг мавзуси Ўзбекистон Республикасининг етакчи тиббиёт олий ўқув юртларининг асосий илмий йўналишлари билан бир хил контекстда. Тадқиқот фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналиши – VI “Тиббиёт ва фармакология”га мувофиқ амалга оширилди. Мазкур мавзуни режалаштириш жараёнида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг истиқболли илмий режаси ва илмий ишланмаларининг мавжуд қоидалари инобатга олинди.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 сентябр «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-156-сон фармони.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 31-июлдаги «Корея Экспорт-импорт банки билан ҳамкорликда «Худудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-252-сон қарори.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-апрелдаги «2022-2026-йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-216-сон қарори.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 1-январдаги «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-102 сон қарори.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ГК ирсий мойиллик, атроф-муҳит омиллари ва иммунитет тизими фаолияти ўртасидаги мураккаб ўзаро таъсирларнинг натижасидир¹³. Болалардаги тиротоксикознинг аксарият ҳолатлари Грейвс касаллигига боғлиқ¹⁴. Педиатрик когортда тиротоксикознинг камдан-кам тарқалганлиги (ўртача 0,02%) сабабли, ҳозирги кунга қадар жуда кам илмий мақолалар ва катта рандомизацияланган популяцияга асосланган клиник тадқиқотлар мавжуд; болаларда гипертиреознинг ремиссия частотаси катталарникига қараганда паст эканлиги исботланганлигига қарамай болаларда тиротоксикозни ташхислаш ва даволаш бўйича мавжуд тавсиялар жуда кам маълумотни ўз ичига олади; болаларда тиростатик терапия ҳар доим ҳам оддий эмас, даволаш имкониятлари чекланган ва бу беморларни бошқариш тактикаси бўйича ҳали ҳам келишмовчиликлар мавжуд¹⁵.

Болалардаги гипертиреоз муаммосига жиддий эътибор этиологияси ва патогенезини янада ўрганиш зарурати билан боғлиқ; клиник кўринишларнинг катталардан фарқи, қалқонсимон без ҳолати бўйича аҳолининг ёш мезонларининг йўқлиги, болаларда гипертиреознинг оғир асоратлари, антитиреоид дориларнинг яққол ножўя таъсири, ташхислаш ва даволашдаги келишмовчиликлар; гипертиреоз қайталанишининг прогностик омиллари ва даволашнинг радикал усулини танлаш мезонлари бўйича консенсус мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Гипертиреознинг суяк метаболизмига таъсири бўйича бир нечта тадқиқотлар ўзаро қарама-қарши маълумотларга эга. Тиротоксикознинг гипертиреози бўлган болаларнинг ҳаёт сифатига, ақлий фаолиятларига ва эмоционал ҳолатига таъсири бўйича тадқиқотлар деярли йўқ.

Ўзбекистонда болаларда гипертиреоз бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Шундай қилиб, диагностика ва даволашнинг такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқиш билан тиротоксикози бор болалар ва ўсмирларнинг клиник, метаболик ва психологик хусусиятларини ўрганиш педиатрик эндокринологиянинг долзарб муаммоси бўлиб, уларнинг кўп масалалари ҳал этилмаган ва мунозарали бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг акад. Ё.Х. Туракулов номидаги РИИАТЭМ илмий-тадқиқот режаси, шунингдек, АДСС 15. 12.1 "Қалқонсимон без касалликларининг олдини олиш ва даволаш бўйича чора-тадбирларнинг тарқалишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолашнинг янги усулини ишлаб чиқиш" (2015-2017) ва ПЗ-2017091941

¹³ Wong TWC, Wong MYS. Remission in pediatric Graves' disease treated with antithyroid drug and the risk factors associated with relapse// Ann Pediatr Endocrinol Metab. - 2022. – Vol.27(4) – P.308-314.

¹⁴Minamitani K, Sato H, Ohye H, Harada S, Arisaka O. Committee on Pharmaceutical Affairs, Japanese Society for Pediatric Endocrinology, and the Pediatric Thyroid Disease Committee, Japan Thyroid Association Guidelines for the treatment of childhood-onset Graves' disease in Japan// Clin Pediatr Endocrinol. -2017– Vol.26(2) – P.29-62.

¹⁵ Bayramoğlu E., Elmaogulları S., Sagsak E., Aycan Z.. Evaluation of long-term follow-up and methimazole therapy outcomes of pediatric Graves' disease: a single-center experience // J Pediatr Endocrinol Metab. – 2019. -- Vol.32(4). – P.341-346.

"Перименопозал ёшдаги аёлларда хавф омилларининг минтақавий ва индивидуал хусусиятларига қаратилган остеопороз ва остопоротик синишларнинг профилактикаси ва прогнози учун математик моделларни яратиш" (2018-2020) амалий грантлар доирасида ўтказилди.

Тадқиқот мақсади бўлиб болалар ва ўсмирларда прогностик клиник-антропометрик, гормонал-метаболик ва психо-ақлий мезонларини аниқлаш, гипертиреозни эрта ташхислаш ва олиб бориш, даволаш тактикасини танлаш ва асоратларни тузатишга индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот вазифаси:

гипертиреоз билан оғриган болаларни кенг қамровли клиник ва антропометрик текширувини ўтказиш, шу жумладан ҳомиладорликнинг кечиш хусусиятларини, туғилиш пайтидаги антропометрик кўрсаткичларни, беморлар ҳаёт анамнезини, гипертиреоз билан оғриган болалар ва ўсмирларнинг ва янги туғилган чақалоқларнинг неонатал тиротоксикозида биокимёвий ва гормонал кўрсаткичларини ўрганиш;

суяк метаболизми ҳолатини, шу жумладан болаларда тиротоксикозда кальцийни тартибга солувчи тизим кўрсаткичларини баҳолаш;

гипертиреоз билан оғриган болалар ва ўсмирларнинг ақлий ва психо-эмоционал хусусиятларини, шу жумладан ҳаёт сифатини ўрганиш;

гипертиреоз билан оғриган болалар ва ўсмирларда суякларнинг қайта тузилиши бузилишлари, ақлий бузилишлар ривожланишининг диагностик мезонлари ва прогностик белгиларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида яшовчи соғлом болалар ва ўсмирларда қалқонсимон без ҳолати ва суяк алмашинувининг (Д витамини, паратиреоид гормони, остеокальцин, β -crossLaps, суяк минерал зичлиги) эталон қийматларини аниқлаш;

болаларда гипертиреоз учун радикал терапия сифатида тироидектомияни танлашнинг прогнозларини аниқлаш;

қалқонсимон без ҳолатини, кальций алмашинувини бошқарувчи гормонлар даражасини, психо-интеллектуал соҳа кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, болалар ва ўсмирларда гипертиреоздаги бузилишларни ташхислаш ва даволаш учун комплекс индивидуал усуллар алгоритмини ишлаб чиқиш;

психотерапия ва метаболик касалликларни тузатишни ўз ичига олган болаларда тиротоксикозни комплекс даволаш самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб гипертиреоз билан оғриган 213 нафар болалар ва ўсмирлар, шунингдек транзитор неонатал тиротоксикозли 17 нафар янги туғилган чақалоқлар ҳисобланади, таққослаш гуруҳи эса 97 та нисбатан соғлом педиатрик беморлар ва қалқонсимон без патологияси бўлмаган оналардан туғилган 22 нафар чақалоқлардан иборат бўлди.

Тадқиқот предмети бўлиб биокимёвий ва гормонал параметрларни аниқлаш учун веноз қон зардоби, морфологик текшириш учун қалқонсимон саратон тўқималари хизмат қилди.

Тадқиқот усуллари. Умумий клиник, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тақдим этилган диссертация иши гипертиреоз билан оғриган болалар ва ўсмирлар, шунингдек, транзитор тиреотоксикозли янги туғилган чақалоқлар соғлиғининг турли жиҳатлари бўйича (анамнестик, антропометрик, клиник, биокимёвий, қалқонсимон без ва бошқалар) беморларнинг катта намунаси бўйича олиб борилган Ўзбекистондаги биринчи кенг қамровли тадқиқотдир.

суяк метаболизмининг хусусиятлари, гипертиреози бўлган болалар ва ўсмирларда кальцийни тартибга солувчи гормонлар кўрсаткичлари ўрганилди, суяк минерал зичлигининг пасайиши пайдо бўлиш частотаси аниқланди;

гипертиреоз ва психо-интеллектуал соҳадаги бузилишлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиб чиқди;

Ўзбекистон Республикасида яшовчи соғлом болалар ва ўсмирларда қалқонсимон без ҳолати ва суяк метаболизмининг (D витамини, паратиреоид гормони, остеокальцин, β -cross Laps, суяк минерал зичлиги) перцентил қийматлари ҳисобланди;

балоғатга этмаган болалар (ювенил) гипертиреозда суякларнинг қайта тузилиши ва ақлий функцияларининг бузилишини ривожланишининг диагностик мезонлари ва прогнозлари ишлаб чиқилди;

болаларда гипертиреоз учун радикал терапия сифатида тироидектомияни танлашнинг прогностик омиллари аниқланди;

маҳаллий амалиётда биринчи марта болалар ва ўсмирларда ГК ни олиб бориш учун даволаш ва ташхис алгоритми ишлаб чиқилди;

тиростатик дорилар, психотерапия ва минерал бузилишларни тузатишнинг комплекс таъсири баҳоланди, педиатрик гуруҳда гипертиреоз терапиясини моделлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги исботланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагича:

Ўзбекистон Республикасида компьютер дастури кўринишида турли этиологияли гипертиреоз (Грейвс касаллиги, тугунли/кўп тугунли бўқоқ, қалқонсимон без саратони) билан оғриган болалар ва ўсмирларнинг маълумотлар базаси яратилди, АИС да ВГУ20210001 сертификати олинди;

ҒАР 01613 "Болалар ва ўсмирларда Грейвс касаллигини ташхислаш усули" фойдали моделига патент олинди;

IAP 05686 "Аутоиммун қалқонсимон без касалликлари бўлган оналардан янги туғилган чақалоқларнинг соғлиғини тузатиш усули" ихтироси учун патент олинди;

болалар ва ўсмирларда гипертиреознинг клиник, антропометрик, гормонал, метаболик ва психо-интеллектуал хусусиятлари бўйича тушунча сезиларли даражада кенгайтирилди;

балоғатга этмаган (ювенил) тиротоксикозда суякларнинг қайта тузилиши ва руҳий функцияларининг бузилишини прогноз қилиш ва олиб бориш учун математик модел ишлаб чиқилди;

болалар ва ўсмирларда гипертиреозда тироидектомия прогнозларига

асосланган консерватив ёки жарроҳлик даволаш усуллари танлаш учун тактика таклиф қилинди;

маҳаллий амалиётда биринчи марта Грейвс касаллиги билан оғриган болалар ва ўсмирлар учун антитироид терапиясининг ташхис ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди;

Болаларда гипертиреоз ва унинг асоратларини даволашга комплекс ёндашув учун ишлаб чиқилган терапевтик ва диагностик шахсийлаштирилган алгоритм оптимал, самарали ва хавфсиз бўлиб, уни ушбу тоифадаги беморларга тавсия қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг диагностика ва статистик ишлов беришнинг замонавий усуллари, шу жумладан иммунохемилюосцент таҳлиliga, замонавий инструментал тадқиқотларга (Z-индекси натижаларидан фойдаланган ҳолда икки энергияли рентген абсорбтиометрия маълумотларига), танланган тадқиқот моделларининг услубий сезгирлиги ва ўзига хослиги, беморлар сонининг етарлилиги, натижаларни истиқболли тасдиқлаш дастуридан «SPSS 23 for Windows» (IBM Corp. Armonk, NY, AQШ) фойдаланган ҳолда ишончли қийматларни олиш, шунингдек тадқиқот натижаларини халқаро маълумотлар билан солиштириш, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаш асосида тасдиқланган

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта анамнестик, умумий клиник, биокимёвий, гормонал тадқиқотлар таҳлили ўтказилди, суяклар алмашинувининг ҳолати, жумладан, кальциотроп гормонлар даражаси, суяк метаболизмининг маркёрлари ва суяк минерал зичлиги, шунингдек, неонатал даврдан бошлаб тиреотоксикози бор болаларнинг ҳаёт сифат даражаси, ақлий ривожланиш даражаси, психо-эмоционал ҳолати аниқланди.; шахсийлаштирилган ёндашувни ҳисобга олган ҳолда гипертиреоз асоратлари ривожланишининг мезонлари ва прогнозлари ҳамда терапевтик ва диагностик чора-тадбирлар мажмуи аниқланди, бу педиатрия ва эндокринология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суяк шаклланишининг бузилиши, тиротоксикознинг ақлий ва бошқа асоратлари ривожланиш хавфи юқори бўлган болаларни эрта аниқлаш, ўз вақтида мураккаб шахсийлаштирилган тактикалар туфайли унинг асоратлари шаклланишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқилган прогностик шкалаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган бузилишларни даволаш ва болаларда тиреотоксикозни даволашда самарали натижаларга эришишда ёрдам беради. Бу касалликнинг прогнози, барқарор ремиссияга эришиш, ногиронликни камайтириш, жисмоний ва интеллектуал салоҳиятни сақлаш, ҳаёт сифатини ошириш, шунингдек, ушбу болалар контингентини бошқаришда иқтисодий харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Қалқонсимон без патологияси бўлмаган болаларнинг қалқонсимон без ҳолати кўрсаткичларининг референс оралиғи ҳисоблаб

чиқилган, бу амалиётчиларга Ўзбекистон Республикасида яшовчи болаларда қалқонсимон без дисфункциясини аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш. Клиник, метаболик ва психологик жиҳатларни баҳолаш ва болаларда тиротоксикозни даволаш учун диагностика ва терапевтик тактиканинг такомиллаштирилган шахсийлаштирилган усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижаларга асосланиб:

тиреотоксикози бор болалар ўртасида суяк минерал тўқланлигининг камайиши ва остеопороз ҳавф гуруҳини ўз вақтида аниқлашга, шу тариқа қалқонсимон безнинг гиперфункцияси бўлган болаларда кам энергияли синишлар ва ногиронликнинг ривожланишини камайтиришга ёрдам берадиган “Тиреотоксикози бор болалар ва ўсмирларда суяк минерал зичлигининг пасайишига ташхис қўйиш усули” (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 02.12.2022 йилдаги 8 н-р/1420-сонли хулосаси) номли услубий тавсиянома тасдиқланди;

“Тиреотоксикозли болаларнинг психо-эмоционал ва интеллектуал ҳолатини аниқлаш методикаси” (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2022-йил 31-октябрдаги 8н-р/1208-сонли хулосаси) услубий тавсиялар тасдиқланди. Улар Ўзбекистон Республикасида йодтанқислиги ҳолатида яшовчи тиреотоксикози бор болаларда психологик ва руҳий бузилишларни эрта ташхислашга, даволашга риоя қилишни яхшилаш, ақлий қобилиятларни йўқотишни камайтириш ва миллатнинг интеллектуал салоҳиятини сақлаб қолишга қаратилган;

қалқонсимон без фаолиятининг транзитор бузилиши бўлган янги туғилган чақалоқларни аниқлаш ва ҳамроҳ асоратларни даволаш бўйича болалар эндокринологи ва неонатологларнинг ҳаракат алгоритмларини ўз ичига олган IAP 05686 “Аутоиммун қалқонсимон без касалликлари билан оғриган оналардан янги туғилган чақалоқларнинг соғлиғини тўғирлаш усули” номли ихтирога патент олди (Расмий ахборотнома. – 2018 йил. – 11 (211)-сон. – Б.39 да чоп этилган) кашфиётига патент;

йодтанқислиги ҳолатида яшовчи Грейвс касаллиги бор болаларда касалликнинг ташхис мезонларини, уларга эрта ташхис қўйиш ва адекват даво усулларини қўллашнинг замонавий усулларида ўз вақтида фойдаланишга ёрдам берадиган FAP 01613 “Болалар ва ўсмирларда Грейвс касаллигини аниқлаш методикаси” фойдали моделига патент олинди (“Расмий ахборотнома. – 2021. – 5-сон. – Б.70” да чоп этилган).

Тиреотоксикози бор болаларда диагностика ва даволаш протоколларини қўллашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларнинг илмий-амалий натижалари амалий соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Хоразм, Андижон ва Самарқанд вилоят эндокринология диспансерлари, акад. Ё.Х. Туракулов номидаги РИИАТЭМ Қашқадарё филиалининг амалий фаолиятига тадбиқ қилинди (акад. Ё.Х. Туракулов номидаги РИИАТЭМ нинг 11.05.2023 йилги экспертлар кенгаши хулосаси). Натижаларни амалиётга тадбиқ қилиш неонатал даврдан бошлаб тиреотоксикози бор болаларни ташхислаш, прогнозлаш ва даволаш самарадорлигини ошириш, шунингдек, унинг турли

асоратлари ривожланишининг олдини олиш, касалликнинг салбий оқибатларини минималлаштириш, даволаш самарадорлигини ошириш, давлатнинг иқтисодий харажатларини камайтириш, шу билан бирга Республикамизнинг меҳнат ва интеллектуал салоҳиятини сақлаб қолиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Ушбу тадқиқот натижалари 19 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 16 та халқаро ва 3 та миллий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларини нашр этиш. 59 та илмий мақола, шу жумладан: 32 та журнал мақоласи, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган Республика миқёсидаги 22 та ва хорижий журналларда 10 таси.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 7 боб, хулоса, якуний қисм, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми ... бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва талаблилиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларини апробация қилиш ва нашр этиш, диссертациянинг ҳажми ва қисқача тузилиши тўғрисида маълумотлар тақдим этилган.

Биринчи бобда **“Адабиёт шарҳи”** 10 та кичик бўлимдан иборат бўлиб, болаларда тиротоксикоз (ТТ) тарихи, этиопатогенези, клиникаси, даволашнинг замонавий ёндашувлари, болаларда Грейвс касаллигининг ремиссияси ва қайталанишининг прогностик омиллари бўйича сўнгги 20 йил давомида олиб борилган тадқиқотларнинг мета-таҳлили ҳақида маълумот беради. Суяк тўқималарининг минераллашуви бузилиши жараёнлари, балоғатга етмаган болаларда гипертиреозда суяк метаболизми бузилишларини аниқлаш усуллари, болаларда иккиламчи остеопорозни даволаш, гипертиреоз билан оғриган болаларда рухий ва психологик касалликлар ҳақида тушунчалар батафсил ёритилган.

“Материалнинг клиник хусусиятлари ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари” номли 2-бобда материалнинг хусусиятлари, тадқиқот усуллари ва натижалари берилган. Биз 2 ёш 11 ойликдан 18 ёшгача бўлган 310 нафар болани, шу жумладан қалқонсимон безнинг турли морфологик тузилишига эга бўлган аутоиммун эндоген гипертиреози бўлган 213 нафар болани текширдик; назорат гуруҳи - 97 нисбатан соғлом педиатрик беморларни ташкил этди. Шунингдек, биз ДТБ бўлган оналардан транзитор неонатал тиротоксикозли 17 та янги туғилган чақалоқни текширдик, назорат гуруҳи эндокрин патологияси бўлмаган оналарнинг 22 та соғлом янги туғилган чақалоқларидан иборат эди.

Тиротоксикозли гуруҳларга қўшилиш мезонлари:

- болада аутоиммун гипертиреоз / тиротоксикоз мавжудлиги;

- боланинг ёши 18 ёшгача (1-гуруҳ) / 28 кунгача (3-гуруҳ);

-18 ёшга тўлмаган боланинг ота-онасининг/қонуний вакиллари тадқиқотда қатнашиш учун хабардор қилинган розилиги.

Тадқиқот усуллари: замонавий клиник, биокимёвий, иммуно-хемилюсцент ва инструментал, шу жумладан ҳаёт сифати, хатар даражаси ва IQ ни баҳоловчи сўровномаларидан фойдаланиш. Статистик таҳлил «SPSS 23 for Windows» («IBM Corp. Armonk», NY, AQSH) дастур ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг 3-боби “Йод танқислиги шароитида яшовчи гипертиреози бор болалар ва ўсмирларнинг клиник ва лаборатор хусусиятлари” 5 кичик бўлимдан иборат. Оналар саломатлигини ретроспектив таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, гипертиреози бўлган ҳомиладорлик давридаги аёлларнинг ўртача ёши ($24,2 \pm 4,1$) назорат гуруҳидаги аёлларнинг ёшига нисбатан ($30,1 \pm 5,7$, $p = 0,000$) сезиларли даражада паст, бироқ шу билан бирга, гипертиреоз гуруҳидаги оналар паритети сезиларли даражада юқори (мос равишда $2,5 \pm 21,4$ ва $2,1 \pm 1,2$, $p=0,01$), улар семиз бўлиш эҳтимоли (11% ва 3,1%, OR =3,9; 95% СИ 1,1-13,6;

$p=0,03$) ва турли даражадаги анемия (24% ва 5,2%, $OR=5,8$; 95% СИ 2,2-15,4; $p<0,001$) кўпроқ учради. Витилиго (0,7%), 2-тур қандли диабет (2,1%), тухумдонлар поликистоз синдроми (0,7%) фақат гипертиреоз гуруҳидаги оналарда аниқланган. Онада қалқонсимон безнинг аутоиммун зарарланишининг мавжудлиги болада гипертиреоз ривожланиш хавфини 7,5-8,2 марта оширади ($OR=8,2$; 95% СИ 3,1-21,5; $p<0,001$), ҳомиладорлик давридаги эндемик она буқоғи ва тизимли аутоиммун касалликлар ($OR = 27,0\%$;-% 27,9; $p = 2,9\%$; .69) кўзгатувчи омиллар сифатида аҳамиятли эмас ($OR=1,4$; 95% СИ 0,5-3,8; $p=0,36$).

Гипертиреоз билан оғриган болаларда вазни 2500 г дан кам (7,5%; $OR=0,1$; 95% СИ 0,02-1,01; $p=0,02$) ва 3500 г дан ортиқ (12,3%; $OR=2$; 95% СИ 0,98-3,92; $p=0,05$) туғилиш эҳтимоли сезиларли даражада юқори бўлган. Уларда назорат гуруҳига нисбатан асфиксия (15,8%) энцефалопатия билан (37,7%) туғилиш, кўпроқ реанимация ва интенсив терапия бўлимида даволаниш кўпроқ кузатилган. Она паритети ва болаларда гипертиреознинг ривожланиш даври ўртасида сезиларли даражада тўғридан-тўғри ўртача корреляция аниқланди ($r = 0,3$, $p = 0,001$), гипертиреози бўлган болаларда АТ-ТПО ва ҳаётининг 1-дақиқаси ($r = -0,3$, $p = 0,01$) ва 5-дақиқасидаги ($r = -0,3$, $p = 0,01$) Апгар кўрсаткичлари ўртасида тескари корреляция, гипертиреози бор болаларда Д витамининг миқдори бола туғилган вақтдаги онанинг ёши ($r=-0,3$, $p=0,01$) ва киндик қолдиқларининг тушиш ($r=-0,3$, $p=0,005$), шунингдек янги туғилган вақтдаги тана оғирлигининг максимал камайиши ва остеокальцин миқдори ($r=-0,6$, $p=0,002$) ўртасида тескари корелляция аниқланди.



1-расм. Д витамини даражаси ва онанинг туғиш пайтидаги ёши (а) ва киндик қолдиқларининг тушиш муддати (б), остеокальцин ва ТВМЙ (с) ўртасидаги боғлиқлик.

Гипертиреоз билан оғриган болалар ва ўсмирларнинг 65,8% (96) да ўсиш Z-score (HAZ) нормада эди (бўй SDS -1 дан +1 гача), назорат гуруҳида эса бундай болалар 28% га кўпроқ эди (93,8% (91)), $OR = 7,9$; 95% СИ 3,2-19,3; $p<0,001$. Гипертиреоз билан оғриган болалар ва ўсмирларнинг бўйи, бўй перцентиллари ва Z-score нинг ўртача кўрсаткичлари назорат гуруҳи билан солиштирилганда сезиларли фарқларга эга бўлиб, бу тез чизикли ўсиш ва кам вазн тенденциясини кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал

Ювенил гипертиреози бор болалар ва назорат гуруҳидаги болаларнинг ўртача антропометрик маълумотлари

	Гипертиреоз, $M\pm SD$, $n=213$	Назорат, $M\pm SD$, $n=97$	p
Бўйи, см	154,7±16,9	149,4±18,2	0,003
Бўй перцентили	57,1±28,8	45,0±22,1	0,000
Ўсишнинг Z-score	0,2±1,1	-0,1±0,6	0,000
Вазни, кг	41,4±12,7	44,3±14,2	0,024
Вазн перцентили	26,4±27,1	52,3±21,3	0,000
Вазннинг Z-score	-1,1±1,3	2,0±9,8	0,000

ТМИ	16,8±3,0	19,1±2,8	0.000
ТМИ фоизли	19,5±22,9	55,1±23,0	0.000
ТМИ Z-score	-1,2±1,2	0,2±0,7	0.000

ВАЗ-мезонига кўра (ТМИ SDS -1 дан +1 гача), гипертиреоз бўлган гуруҳда 28,8% (42) болалар нормага тўғри келди, назорат гуруҳида - 3,1 баробар кўп (89,7% (87)), ОР = 21,5; 95% ДИ 10,2-45,4; $p < 0,001$. Шу билан бирга, гипертиреоз билан оғриган гуруҳдаги болаларнинг 23,3% (34) ўта озғин, 44,5% (65) озғин, назорат гуруҳида мос равишда 1% (1) ва 3,1% (3) (мос равишда ОШ=0,03; 95%ДИ 0-0,26; $p < 0,001$ и ОШ=0,04; 95%ДИ 0,01-0,13; $p < 0,001$). Тиреотоксикози бўлган болаларнинг ТМИ мутлоқ қийматларда ҳам, фоизларда ҳам, Z-score да ҳам неонатал даврда максимал вазн йўқотиш билан тўғридан-тўғри сезиларли даражада ўртача корреляцияга эга эди: мос равишда $r=0,3$, $p < 0,05$; $r=0,3$, $p < 0,05$ и $r=0,4$, $p < 0,01$. Тиреотоксикози бўлган болаларда ВАЗ қиймати ва кальций даражалари ўртасида тўғридан-тўғри сезиларли кучсиз корреляция аниқланди ($r=0,2$, $p < 0,05$); WAZ ва Д витамини ўртасида ($r=0,3$, $p < 0,05$), шунингдек, қон зардобидаги фосфор даражаси ($r=0,4$, $p < 0,05$), остеокальцин ва HAZ даражаси ($r=0,3$, $p < 0,05$), вазн перцентиллари ва β -CrossLaps даражаси ($r=0,5$, $p < 0,05$) ўртасида ўртача кучдаги корреляция аниқланди. ТМИ ва остеокальцин даражаси ($r=-0,2$, $p < 0,05$) ва гипертиреоз давомийлиги ва HAZ ($r=-0,174$, $p=0,04$) ўртасида сезиларли тесқари корреляция, шунингдек, ўсиш, вазн, ТМИ ва тананинг суяк минерал тўлақонлиги (СМТ) ва унинг Z-score, L₁-L₄ бел умуртқа поғоналарининг СМТ ва Z-score шунингдек, тана сиртининг майдони (ТСМ) билан (r 0,3 дан 0,57 гача, $p < 0,01$) ўрталарида заиф ва ўртача тўғридан-тўғри боғлиқлик аниқланди.


Тахикардия 92,5% (197) да аниқланган (ОШ=584,8; 95%ДИ 131,8-2595,7; $p < 0,001$), симптоматик артериал гипертензия - 44,6% (95) ТТ гуруҳидаги болаларда аниқланди, назорат гуруҳида бундай болалар аниқланмади. Чап қоринча миокардидаги метаболик ўзгаришлар гипертиреоз билан оғриган болаларнинг 92 фоизиди, назорат гуруҳидаги болаларнинг 5,2 фоизиди аниқланган (ОШ=0,01; 95%ДИ 0,002-0,01; $p < 0,001$), юрак ўтказувчанлиги бузилишининг атриовентрикуляр блокада ва Гисс тутамлари оёқчалари блокадаси кўринишлари фақат асосий гуруҳдаги 8% болаларда аниқланган (ОШ=0,12; 95%ДИ 0,02-0,9; $p=0,02$).

Гипертиреоз билан оғриган қизларда ҳайз кўриш эндокрин патологияси бўлмаган қизларга қараганда ўртача 2 йил кечроқ содир бўлган ($11,9 \pm 0,7$ ёшга нисбатан $13,4 \pm 1,2$, $p < 0,001$). Таннер шкаласи бўйича жинсий ривожланишни баҳолаш гипертиреози бўлган болалар гуруҳида пастроқ бўлган ($1,9 \pm 1,0$ га нисбатан $2,2 \pm 1,0$, $p < 0,001$). ТТ билан оғриган болаларнинг 14,6 фоизиди (31) жинсий ривожланишнинг кечикиши (ЖРК) ташхиси қўйилган, гипертиреоз билан оғриган қизларнинг 8 фоизиди ҳайз даврининг бузилиши ва 4,2 фоизиди бачадон гипоплазияси мавжуд.

Ювенил гипертиреози бўлган гуруҳда 28,2% (60) ҳолатда иккиламчи тиреоген наҳорги гипергликемия, глюкозага турғунликнинг бузилиши - 1,9% (4) қайд этилган. Грейвс касаллиги 2,8% (6) болаларда аутоиммун

полигландулар синдром (АПС) нинг 3-тури шаклидаги 1 тур қандли диабет шаклида коморбид патология билан боғлиқ бўлди; бу болалар ва ўсмирлар, тиреостатик терапиядан ташқари, гликемик назорат остида базал-болус инсулин терапиясини ҳам олдилар. Корреляция таҳлили шуни кўрсатдики, Д витамини гликемик даражалар билан сезиларли салбий корреляцияга эга эди ($r=-0,27$, $p=0,02$).

ТТ бўлган болалар гуруҳида 95% ҳолларда 2 даражали буқоқ ташхиси қўйилган, ўртача тиреотоксикоз устунлик қилган (80%), 20,7% тугунли/кўп тугунли буқоқ, 3,3% ида қалқонсимон безнинг дифференциал саратони (ҚБС) аниқланган.



Қалқонсимон безнинг ультратовуш текширувида буқоқнинг қуйидаги морфологик кўриниши аниқланди: диффуз буқоқ назорат гуруҳида 7,2% (7) болаларда, гипертиреоз гуруҳида - 79,3% (169) болаларда (ОШ=29,3; 95%ДИ 13,1-68,2; $p<0,001$). Тугунли буқоқ фақат гипертиреози бор болаларда ташхис қўйилган (3.16-расм). Аутоиммун тиреоидитга хос бўлган қалқонсимон безнинг ультратовуш суратидаги ўзгаришлар назорат гуруҳидаги болаларнинг 2,1% (2) да аниқланган, гипертиреози бўлган болаларда эса бу кўрсаткич 63,4% (135) (ОШ=82,2; 95%ДИ 19,7-342,8; $p<0,001$) ташкил қилди. Гипертиреози бўлган болаларда қалқонсимон безнинг ҳажми назорат гуруҳига қараганда ўртача 7,5 баравар ортик бўлди (мос равишда $24,6\pm 15,6$ мл ва $3,3\pm 2,9$ мл, $p<0,001$).

Грейвс касаллиги билан оғриган болаларнинг қалқонсимон без ҳолатининг кўрсаткичлари аниқ тиротоксикозни кўрсатди ва барча кўрсаткичлар бўйича назорат гуруҳи билан сезиларли фаркга эга эди (3-жадвал).

3-жадвал

Текширилаётган болалар ва ўсмирларнинг қалқонсимон без ҳолати, $M\pm SD$

Кўрсаткичлар	Гипертиреоз, n=146	Назорат гуруҳи, n=97	p
ТТГ (0,28-4,3 мХБ/мл)	0,03±0,1	2,4±1,0	$p<0,001$
эркТ3 (2,5-4,3 нг/дл)	18,6±11,0	3,1±0,90	$p<0,001$
эркТ4 (1,1-1,8 нг/дл)	6,4±2,3	1,4±0,3	$p<0,001$
АТ-ТПО(34 ХБ/мл гача)	345,9±235,9	12,3±7,6	$p<0,001$
АТ-рТТГ(1,75 ХБ/л гача)	25,5±11,4	0,4±0,34	$p<0,001$

Йод танқислиги бўлган ҳудудда яшовчи гипертиреози бор болаларда эркТ3 нинг ўртача қийматлари қалқонсимон без патологияси бўлмаган болаларникига қараганда 6 баравар юқори ва эркТ4 - 4,6 баравар юқори бўлди.


Гипертиреози бор болаларда қалқонсимон без антитаначаларининг ўртача даражаси аниқ аутоиммун жараёни кўрсатди: гипертиреози бўлган болаларда АТ-ТПО нинг ўртача кўрсаткичлари 28,1 баравар, АТ-рТТГ назорат гуруҳидагига қараганда 63,8 баравар юқори. Шу билан бирга, гипертиреоз билан оғриган 80,1% (117) болаларда АТ-ТПО даражаси 100 ХБ / мл дан юқори бўлган, 32,2% (47) да ТТГ рецепторларига антиктаначалар даражасини аниқлаш учун энг юқори чегара (40 ХБ / л) аниқланган, бу эса тиреотоксикознинг яққол иммун агрессиясидан далолат беради.

ТТ билан оғриган болалар ва ўсмирлар гуруҳида ўртача ТТГ 0,006 [0,001-0,15] мХБ / мл, эркТ3 18,6 [1,5-40] нг/дл, эркТ4 6,7 [1,7-24,4] нг/дл, АТ-ТПО – 303,6 [5,7-1600] ХБ/мл. АТ-рТТГ 27,4 [0,12-40] ХБ/мл қийматни ташкил қилди. Қалқонсимон без патологияси бўлмаган болаларда ўртача ТТГ даражаси 2,32 [0,8-4,3] мХБ / мл, эркТ3 - 2,95 [1,2-5,0] нг/дл, эркТ4 - 1,3 [0,9-2,0] нг/дл, АТ-ТПО – 12,0 [1,2-29,1] ХБ/мл, АТ-рТТГ 0,34 [0,02-1,05] ХБ/мл ни ташкил қилди. Ювенил ТТ гуруҳидаги ўсмирлар қон зардобиди эркТ3 (54,8%) ва эркТ4 (86,3%) нинг 3 ёки ундан кўп марта ошиши қайд этилган, бу йодд танқислиги бўлган минтақада яшовчи болаларда тиреотоксикознинг янада оғир кечишини кўрсатади.

ТТ билан оғриган болалар ва ўсмирларнинг 56,3% (120) да эндокрин офталмопатия ташхиси қўйилган, улардан 1-даражали ЭО 42,5% (51), 2-даражали ЭО - 57,5% (69) аниқланган, бу болаларнинг 75% да ЭО фаол босқичида, 25% - нофаол босқичида бўлган. Эндокрин миопатия болаларнинг 6,1 фоизида (13) топилган.

Тадқиқот вақтида гипертиреоз билан оғриган болалар ва ўсмирлар учун даволашнинг ўртача давомийлиги $14,2 \pm 20,6$ ойни ташкил этди. Гипертиреознинг давомийлигига кўра 47,4% (101) болаларда 3 ойдан кам, 3-36 ой - 42,7% (91), декомпенсацияланган гипертиреозда 36 ойдан ортиқ 9,9% (21) болалар эди. Гипертиреоз билан оғриган барча болалар қабул қилинди Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган дори воситалари билан тиреостатик терапия (ТСТ) ни қабул қилдилар, аммо ТТ ривожланиши даврида болаларнинг 8% (17) га дастлаб кунига 100-200 мкг дозада калий йодид билан даволаш буюрилган. 7 та (3,3%) болалар ва ўсмирларда ҚБР нинг дифференциал турлари аниқланган, 3 тасида папилляр ҚБР (ПКҚБР), 4 тасида фолликуляр ҚБР (ФҚҚБР) аниқланди, 4 тасида (1,9%) радиойод терапияси ўтказилган. ТСТ фонида 25,8% (55) болаларда тиреоидектомия амалга оширилди, сўнгра левотироксин натрий буюрилди.

Болаларда гипертиреоз учун Д витамини билан ТТГ ва АТ-рТТГ ўртасида ишончли корреляция аниқланди (мос равишда $r=0,28$, $p=0,001$ ва $r=0,40$, $p<0,001$) (4-расм).



Расм 4. ТТГ ва АТ-рТТГ кўрсаткичларининг Д витамини билан ўзаро боғлиқлиги

Янги туғилган чақалоқларнинг транзитор тиротоксикози (транзитор неонатал тиреотоксикоз, ТНТ) 29,4% ҳолларда муддатидан олдин туғилган, назорат гуруҳидагиларда бундай болалар аниқланмади. ТНТ билан касалланган болалар ҳаётининг 1-дақиқаси ($6,06 \pm 0,29$, $p=0,004$) ва 5-дақиқасидаги ($7,0 \pm 0,29$, $p=0,001$) Апгар кўрсаткичлари назорат гуруҳидагилар билан солиштирганда паст эди (мос равишда $6,91 \pm 0,13$ ва $7,77 \pm 0,16$ балл), 11,6% (2) ТНТ билан касалланган болаларда 2-оғирлик даражасидаги асфиксия ташхиси қўйилган, 82,4% (14) чақалоқларда сурункали ҳомила ичи гипоксияси (СХИГ) рўйхатга олинган (ОШ=5,6; 95%ДИ 1,25-25,17; $p=0,03$). ТНТ билан туғилган чақалоқларда нисбий жиҳатдан тана вазнининг максимал йўқолиши (ТВМЙ) кўрсаткичи ($8,83 \pm 1,92\%$) назоарт гуруҳига нисбатан ($4,35 \pm 0,57\%$), $p=0,02$ ишончли тарзда юқори бўлди.

ТНТ билан янги туғилган чақалоқларнинг 35,29 фоизи неонатал даврда тахикардия кузатилди ва бу гуруҳдаги ўртача юрак уриш тезлиги (ЮУТ) назоратга қараганда сезиларли даражада юқори ($p=0,0001$), физиологик сариқликнинг давомийлиги, иктерик синдромли янги туғилган чақалоқлар сони ва узайган иктерик давр кўпроқ эди. Гипертиреоз билан оғриган янги туғилган чақалоқларнинг 23,5% (4) да киндик қолдиғининг тушиши сезиларли даражада кечроқ кузатилди (4-жадвал).

4-жадвал

ТНТ билан туғилган чақалоқларнинг транзитор кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ТНТ, n=17	p	Назорат, n=22
Юрак уриш тезлиги, сони/мин	$150,24 \pm 4,83$	0,0001	$133,32 \pm 1,15$
Брадикардия, n (%)	-	-	-
Тахикардия, n (%)	6(35,29%)	-	-
Физиологик сариқликнинг давомийлиги, кунлар	$13,07 \pm 2,25$	0,007	$3,17 \pm 0,52$
Сариқлик билан касалланган янги туғилган чақалоқлар сони, n (%)	12 (70,59%)	0,01	6(27,27%)
Узоқ муддатли иктерик даври бўлган болалар сони, n (%)	8(47,06%)	-	-
Киндик қолдиғининг тушиши, кун	$6,06 \pm 0,5$	0,03	$4,91 \pm 0,25$
Киндик қолдиғининг кеч тушиши кузатилган болалар сони, n (%)	4(23,53%)	-	-

ТНТ билан касалланган янги туғилган чақалоқларда ҳаётнинг 7-кунидан бошлаб Журба-Мастюкова усули билан аниқланган психомотор ривожланиш (ПМР) даражасининг ўртача кўрсаткичи соғломларга қараганда 6,3 баллга паст бўлган, 29,4% (5) га психомотор функцияларнинг кечикиши ташхиси қўйилган (5-жадвал). ТНТ гуруҳида нормал ПМР билан туғилган болалар сони

сезиларли даражада камроқ бўлган.

5-жадвал

ТНТ билан туғилган чақалоқларнинг психомотор ривожланиш даражаси

Ўрганилган кўрсаткичлар	ТНТ, n=17	p	Назорат, n=22
ПМР даражаси, балл	20,76±1,29	0,0001	27,05±0,30
Соғлом, n (%)	6(35,29%)	0,04	14 (63,64%)
Шартсиз хавф гуруҳи ,n(%)	6(35,29%)	0,26	8(36,36%)
ПМР кечикиши, n (%)	5(29,41%)	-	-

Туғма тиротоксикозли болаларда қалқонсимон без функциясининг номутаносиблиги кузатилди, гипертиреозга хос бўлган (6-жадвал), 7 та ҳолатда (41,2%) ТНТ нинг субклиник шакли, 6 (35,3%) - енгил, 3 (17,7%) – ўрта оғирликдаги, 1 (5,9%) – ТНТ нинг оғир даражаси аниқланди. ТНТ билан туғилган 3 (17,7%) чақалоқларда АТ-ТПО > 20МЕ/мл даражаси аниқланди.

6-жадвал

ТНТ билан туғилган чақалоқларнинг қалқонсимон ҳолатининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ТНТ, n=17	p	Назорат, n=22
ТТГ, мХБ/л	0,28±0,09	0,0001	1,39±0,26
Т3, нмол/л	3,06±0,05	0,0001	2,32±0,15
Т4, нмол/л	180,12±6,97	0,0001	126,64±9,2
АТ-ТПО, мХБ/л	11,97±2,71	0,21	6,68±0,41
АТ-ТПО мавжудлиги, n (%)	11(64,71%)	0,01	5(22,73)
Ат-ТПО>20 мХБ/л, n (%)	3(17,65%)	-	-

Гипертиреози бўлган янги туғилган чақалоқларда суяк метаболизмининг бузилиши ташхиси қўйилган, бу суяк минерализациясининг етарли эмаслиги, суяк остеомалация ўчоқлари билан тезлашган остеогенез билан ифодаланган (7-жадвал).

7-жадвал

ТНТ билан туғилган чақалоқлар суяк тизимининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ТНТ, n=17	p	Назорат, n=22
Кальций, ммоль/л	1,83±0,09	0,0001	2,28±0,04
Гипокальциемия, n (%)	8(47,06%)	-	-
Фосфор, ммоль/л	1,62±0,08	0,004	1,88±0,05
Гипофосфатемия, n (%)	10(58,82%)	0,0001	4(18,18)
ИФ, ХБ/л	393,41±42,6	0,01	270,4±41,7
Гиперфосфатаземия, n (%)	10(58,82%)	0,002	2(9,09)
Эхоостеометрия, м/сек	1637,29±83,7	0,0001	2215,9±36,7
Эхоостеометрия 2000 м/сек дан паст, n (%)	14(82,35%)	-	-

ТНТ бор болалар назорат гуруҳи билан солиштирганда, қон зардобида сезиларли даражада паст кальций ва фосфор қийматлари ва юқори ишқорий фосфатаза (ИФ) даражасига эга эди. Ўртача тиротоксикозли ҳар иккинчи янги туғилган чақалоқ гипокальциемия, гипофосфатемия ва гиперфосфатаземия билан туғилган. ТНТ гуруҳидаги ультратовушли эхоостеометриянинг ўртача қийматлари соғлом янги туғилган чақалоқларга қараганда 578,6 м / сек паст эди. ТНТ билан касалланган болаларнинг 82 фоизи суяк массасининг камайиши билан туғилган, назорат гуруҳида бундай болалар кузатилмади.



Расм 5. Аутоиммун қалқонсимон касалликлари бўлган оналардан янги туғилган чақалоқларни ташхислаш ва олиб бориш алгоритми.

Тиротоксикозли янги туғилган чақалоқлар гуруҳида суяк тўқималарининг етилиш патологиялари кузатилди: туғма сон суяк чиқиши, лаб ва қаттиқ танглайнинг 3 даражали ёриғи, краниостеноз, полисиндактелия биттадан (5,88%), 3 та (17,65%) туғма сон дисплазияси ва 7 та (41,8%) туғма рахит ҳолатлари кузатилган.

Олинган натижалар асосида биз янги туғилган чақалоқларни ТНТ билан ташхислаш ва бошқариш алгоритмини ишлаб чиқдик ва IAP 05686 "Аутоиммун қалқонсимон без касалликлари бўлган оналардан янги туғилган чақалоқларнинг солوماتлигининг коррекция усули" (2018) ихтироси учун патент олдик (5-расм).


4-боб. "Йод танқислиги шароитида яшовчи болалар ва ўсмирларда тиротоксикознинг суяк метаболизмига таъсири"

Гипертиреози бор гуруҳда кальций (20% га) ва фосфорнинг (27% га) ўртача кўрсаткичлари сезиларли даражада паст эди ва ишқорий фосфатаза даражаси назорат гуруҳига қараганда 4 баравар юқори. Соғлом болаларда гипокальциемия частотаси фақат 1% ҳолларда ташхис қўйилган бўлса, ТТ билан оғриган болаларда - 77,4% ҳолларда (ОШ=328,7; 95%ДИ 44,1-2448,5; $p < 0,001$) кузатилган, назорат гуруҳида гипофосфатемия 19,2 баравар кам учрайди (ОШ=32,2; 95%ДИ 7,6-135,8; $p < 0,001$), гиперфосфатаземия - ТТ болалардаги га нисбатан 32,6 марта кам (ОШ=103,3; 95%ДИ 24,4-437,3; $p < 0,001$) учрайди.

Гипертиреози бор болаларда Д витаминининг ўртача даражаси соғлом болаларга қараганда 3 баравар паст (мос равишда 10,6 [3; 34,4] нг/мл ва 34,0 [7,8; 76,0] нг/мл), остеокальцин даражаси 2,8 баравар юқори (мос равишда 86,9 [11,1; 192,5] нг/мл ва 24,4 [4,4; 121,6] нг/мл), β -CrossLaps - 1,8 баравар юқори (мос равишда 0,9 [0,17; 1,9] нг/мл ва 0,4 [0,12; 1,2] нг/мл) эканлиги аниқланди. Гипертиреози бор болаларда ишқорий фосфатазанинг ўртача кўрсаткичлари назорат гуруҳидагига қараганда 4,1 баравар юқори (мос равишда 725,0 [60,8; 1323,0] U/L ва 124 [2,64; 738] U/L), кальций (мос равишда 2,0 [1,3; 2,6] ммоль/л ва 2,4 [1,6; 2,6] ммоль/л) ва фосфор даражалари (мос равишда 1,4 [0,8; 2,5]

ммоль/л ва 1,9 [1,1; 2,3] ммоль/л) эса паст эди. Шу билан бирга, солиштирма гуруҳларда зардобдаги ПТГ даражасида сезиларли фарқ аниқланмади.

ТТ гуруҳида Д витамини даражаси нормал бўлган болаларнинг частотаси назорат гуруҳига қараганда 10 баравар кам эди: мос равишда 6,2% (9) ва 61,2% (60), (ОШ=24,7; 95%ДИ 11,2-54,3; $p < 0,001$) (6-расм). Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикасида етарли даражада инсоляцияни ҳисобга олсак ҳам, қалқонсимон без патологияси бўлмаган болаларда Д витамини етишмовчилиги 32% (31), Д витамининг танқислиги 5,2% (5) (ОШ=16; 95%ДИ 6,2-41,8; $p < 0,001$) кузатилди, ТТ бор болалар гуруҳида Д витамининг танқислиги 9 марта кўпроқ аниқланган. Назорат гуруҳида Д витаминининг оғир танқислиги гипертиреози бўлган болалар гуруҳига қараганда 39 марта камроқ ташхис қўйилган (ОШ=61,5; 95%ДИ 8,3-453,4; $p < 0,001$).



Расм 6. Текширилган болаларда Д витаминининг даражаси

Ушбу ҳисоб-китоблар Д витамини танқислиги ва аутоиммун жараёндан келиб чиққан қалқонсимон без дисфункцияси ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. Д витаминининг паст даражаси касалликнинг патогенезида иштирок этадиган асосий омил бўлиши мумкин.

